# ДУНЁ ОВОЗИ



Польшанинг Кельце шаҳридаги «Хемар» заводининг буюртмачилари беҳисобдир. Бу завод республикада бунёд этилаётган кўплаб корхона ва муассасаларга кимёвий мосламалар ва саноат аппаратуралари етказиб беради. Совет Иттифоқи ҳам мазкур заводга вақти-вақти билан буюртмалар бериб туради.

Суратда: «Хемар» заводи цехида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### КУЧ-ҒАЙРАТНИ БИРЛАШТИРИБ

ПРАГА. Уч мамлакат — СССР, Чехословакия ва Венгрия конструкторлари шаҳар атрофида қатнайдиган моторли поезднинг янги хилини вужудга келтириш учун куч-ғайратларини бирлаштириб, бўлажак экспресснинг янги нусхасини тайёрлаш соҳасидаги ишларни асосан тугалладилар. Пльзень шаҳридаги В. И. Ленин номли «Шкода» машинасозлик комбинати келгуси йилда ана шу дизель поезднинг дастлабки уч нусхасини ишлаб чиқаради.

### ДОН ҲОСИЛИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНДИ

БУДАПЕШТ. Венгрия қишлоқларининг меҳнаткашлари бешинчи беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор меҳнатлари билан нишонламоқдалар. Улар бошоқли дон экинлари ҳосилини жуда қисқа вақт ичида ва яхши сифатли қилиб йиғиштириб олдилар. 1,7 миллион гектар майдондаги буғдой, жавдар, сули ва арпа ўриб-йиғиб олинди. Давлат омборларига уч миллион тоннадан зиёд буғдой топширилди. Давлатга ғалла сотиш давом этмоқда.

### МИЛЛИЙ БАЙРАМ ШАРАФИГА

БУХАРЕСТ. Руминия бинокорлари Галац шаҳри яқинидаги Сирет дарёси орқали ўтадиган янги темир-йўл кўпригини фойдаланишга топширдилар. Улар ўз муваффақиятларини Руминия халқининг яқинлашиб қолган миллий байрами — мамлакат фашист босқинчиларидан озод қилинган куннинг 32 йиллигига бағишладилар. Шу кўприк қурилиши билан бир вақт ичида янги Галац-Фэурей темир-йўлининг сўнгги участкаси ҳам ишга туширилди.

### РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

СОФИЯ. Рус тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида машғулотлар тамом бўлди. Шу ерда умумий таълим мактабларидагина рус тилини ўрганиш билан чекланиб қолинмаётир. Болгария Халқ Республикасида рус тили шу қадар шуҳрат топдики, ҳамма дарслар рус тилида ўтказилаётган ўқув юртларининг сони тўхтовсиз ортиб боряпти. Ҳозирги вақтда Болгария Халқ Республикасида 12 рус гимназияси ва олти билим юрти бор. Буларда 7 минг бола шуғулланмоқда. 1975—1976 ўқув йилида Болгария йигит ва қизларидан бир минг киши рус тилида ўрта маълумот олди.

### КУБА БЕШ ЙИЛЛИГИНИНГ ОДИМИ

ГАВАНА. Куба экономикаси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республика меҳнаткашлари Куба Компартияси тарихий 1 съезди қабул қилган программани —1976—1980 йилларда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш программасини бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Кубадаги энг йирик Орьенте вилоятининг маъмурий маркази Сантьяго-Де Куба бинокорлик материаллари саноати ходимлари йилнинг биринчи ярми топшириғини 127 процентга етказиб бажардилар. Сагуа-Де-Танамодаги қурилиш блокларини ишлаб чиқарувчи комбинат коллективи эса йиллик ишлаб чиқариш планини муддатидан беш ой олдин бажарди ва ҳозирги кунда беш йилликнинг келгуси йили ҳисобига ишламоқда.

(ТАСС, 11 август).

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ, 11 август (ТАСС). Умумҳиндистон тасвирий санъат ва ҳунармандчилик жамияти залида фотовиставка очилди. Бу виставкани 9 социалистик давлат — Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Куба, Монголия, Чехословакия ва Польша ташкил этди. Виставка социалистик мамлакатлар билан блокларга қўшилмаган давлатлар ўртасидаги самарали ва кўп қиррали ҳамкорлик тўғрисида ҳикоя қилади. Социализм мамлакатларининг ривожланаётган давлатларга бераётган дўстона ёрдами натижасида 3000 дан ортиқ объект—пўлат эритиш заводлари ва тўқимачилик фабрикалари, электр станциялар ва ўқув юртлари қурилди ёки қурилмоқда.

Республика президенти Ф. А. Аҳмад виставкани тантанали очиш маросимида сўзлаган нутқида бундай деди: виставканинг очилиши Ҳиндистон-Совет муносабатлари тарихидаги шонли сана—Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 5 йиллиги байрами билан бир вақтга тўғри келди.

Социалистик давлатларнинг ҳамкорлиги блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, уларнинг мустақил прогрессив тараққиёт йўлидан олға қараб муваффақиятли ҳаракат қилиб боришларига самарали таъсир кўрсатаётганлигини яққол исбот этувчи бу виставка Ҳиндистоннинг турли штатларида ва иттифоқ территорияларида кўрсатилади.

**✦ СОЦИАЛИСТИК ЛАГЕРЬ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ. ✦ МАШҲУР ГАНГСТЕР РОСЕЛЛИНИНГ «СИРЛИ» ҒОЙИБ БЎЛИШИ. ✦ ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ АМЕРИКА ТОМОШАБИНЛАРИ ОЛҚИШЛАМОҚДА. ✦ МАОЧИЛАР СИЁСАТИ ИМПЕРИАЛИЗМ РЕЗЕРВИ ВА ГУМАШТАСИГА АЙЛАНДИ.**

## ТОМОШАБИНЛАР ҚОЙИЛ ҚОЛДИЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ пойтахтида очилган Игорь Моисеевнинг умумий раҳбарлиги остидаги СССР халқлари санъати фестивалининг қатнашчилари бўлган совет қўшиқчилари, раққослари, музикачилари вашингтонликларга чинакам қувноқ ҳаётбахш ва ғоят ёрқин байрам эҳсон этдилар.

Кеннеди номли Вашингтон санъат маркази залини лиқ тўлдириб ўтирган томошабинлар Вирский номли Украина ССР рақс ансамбли ижросидаги «Гопак» рақси, Грузия давлат академик халқ рақс ансамбли ижро этган «Суворийлар» жўшқин ўйинини, хор, рақс ансамбли ва Пятницкий номидаги РСФСР академик хорининг оркестри ижросидаги «Хоровод» ва «Тройка»ни завқ-шавқ билан кўрдилар. Вашингтонликлар совет шимоли халқларининг санъати билан биринчи марта танишдилар. Коряк миллий рақс ансамбли «Мэнго», Тожикистон, Қирғизистон, Тува санъаткорлари ижро этган рақс ва қўшиқлар уларни мафтун этди.

Америкадаги «Совет фестивалида» қатнашган мамлакатимиз санъаткорларининг турли коллективларининг чиқишларини атоқли совет хореографи, СССР халқ артисти И. А. Моисеев яхлит программага бирлаштирган эди.

— Биз олдимизга кўп миллатли маданиятимизнинг сержило ва ранг-баранглигини америкаликларга кўрсатишни мақсад қилиб қўйган эдик,— деди у ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида.— Томошабинларнинг олқишларига қараганда бу вазифанинг уддасидан чиқмоқдамиз.

В. ЧЕРНИШЕВ.

## АМЕРИКАЧА ДЕТЕКТИВ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Шу кунларда Флорида штатида классик детектив жанрига хос антиқа бир воқеа бўлиб ўтди. Машҳур гангстер Роселли 28 июль куни автомашинасида гольф ўйнагани кетиб, бедарак йўқолди. Орадан 11 кун ўтгач, балиқчилар Бискейн кўрфазида тешиб қўйилган металл бочка ичидан унинг жасадини топдилар. Афтидан, занжирлар билан кема лангарига боғланган бочка бўшаб кетиб сув юзига қалқиб чиққан. Натижада қотилларнинг бу жиноятни денгиз тубига кўмиш нияти барбод бўлган.

Роселли Америка мафиясининг сирли суиқасд натижасида гумдон бўлган йирик намояндаларидан бири, холос. Бир йилча муқаддам Чикаго шаҳри яқинидаги ўзининг ҳашаматли уйига яқин ўтлоқда олти ўқ билан ўлдирилган Сэм Жанканинг жасади топилганди. С. Жанкана Роселлининг устози бўлган. Полиция далиллар етишмаслигини важ қилиб, бу ишни ёпиб юборган эди.

Бу қасддан одам ўлдиришларни мафиянинг «ички ишлари», деб қўя қолса ҳам бўларди, бироқ бунинг бир лекини бор. Гангстерларнинг иккаласи ҳам бир вақтлар марказий разведка бошқармаси билан маҳкам алоқада бўлиб, унинг топшириғига мувофиқ Кубага қарши қўпорувчилик ишлари олиб борган эдилар. Бир неча ой муқаддам Роселли махсус сенат комиссияси мажлисида берган гувоҳлигида марказий разведка бошқармаси 1961 йилда менга ва Жанканага Кубага қарши қўпорувчилик ишларида қатнашсангиз, бу «иш» учун юз минг доллар оласиз деб таклиф қилди, деган эди.

Роселли айтдики, мен Фидель Кастрога суиқасд қилиш учун Кубага бир неча марта яширинча бориб келдим. Марказий разведка бошқармаси бу суиқасдни АҚШда қуроллантирилган ва ўргатилган муҳожир газандалар томонидан Кубага қилинадиган интервенция билан бир вақтда амалга оширишни мўлжаллаб қўйган эди.

Жуда кўп америкаликларнинг фикрича, Роселлининг ўлдирилиши — марказий разведка бошқармаси режаларини ошкор қилганлиги учун ўч олиш ва янги сирлар фош бўлишига йўл қўймасликка уринишдир. Жанкана сенатнинг махсус комиссиясига учрашай деб турган бир пайтда ўлдирилганлиги факти ҳам шундан далолат беради.

Мафиянинг марказий разведка бошқармаси билан алоқаси борлигини марҳум миллиардер Говард Хьюзнинг собиқ бош ёрдамчиси Роберт Мехью деган бир кимсанинг сўзлари ҳам тасдиқлайди. У ўзининг марказий разведка бошқармаси билан мафия ўртасида алоқачи ролини ўйнаганини ҳамда Роселли ва Жанкана билан шахсан ўзи музокаралар олиб борганлигини журналистларга айтди. Марказий разведка бошқармасининг ходими Жеймс Оъконнэл Мэхьюга йўл-йўриқ бериб турган.

Сенатор Г. Бейкер мафиянинг олий намояндалари сирли ўлдирилганлиги сабабларини аниқлаш учун текшириш ўтказишга даъват этган.

Ю. РОМАНЦОВ.



Жоржия штатидаги Плейнс шаҳрида истиқомат қилувчи негр фуқароси А. З. Питман ўн йиллар муқаддам Картерлар оиласи рўпарасига уй қуриб, катта хато қилганини ўз вақтида сезмаган экан. Президент сайловларига демократлар партиясидан ўз номзодини кўрсатган Ж. Картернинг ғалаба қозонишига катта умид боғлаган маҳаллий маъмурлар кошона рўпарасида оддийгина негр хонадонининг сақланиб туришини ёқтиришмади. Натижада Питман ва унинг оиласи ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур этилди. Суратда: А. З. Питман ўз уйи харобалари устида.

АП—ТАСС фотоси.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ТАНАНАРИВЕ. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Юстиция министри В. И. Теребилов бошчилигидаги Совет делегацияси Мадагаскар Демократик Республикасининг пойтахтига келди.

Делегация Малагасия Социалистик революцияси партиясини қўллаб-қувватловчи демократик комитетнинг бу ерда очиладиган съезди ишларида қатнашади.

● ЛОНДОН. «Дейли телеграф» газетаси ёзади: инглизлардан 500 мингга яқин киши бир йил ичидагина яхшироқ ҳаёт излаб, чет элларга жўнаб кетди. Ана шу муҳожирлар орасида таниқли олимлар, санъат арбоблари, спортчилар ва бизнесменлар кўп. Ҳафталик «Санди телеграф» газетасининг ёзишича, мамлакатдаги иқтисодий турғунлик, турмуш даражасининг пасайиб бораётганлиги ва истиқболга ишончсизлик «доно ва талантли кишиларнинг кетиб қолиши»га асосий сабаб бўлиб чиқди.

● ТОКИО. Япониядаги Ибараки префектурасининг маъмурлари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ходимларидан 2.506 ходимга ўтган йилнинг май ойидан тортиб шу йил апрель ойигача ўтган даврда забастовкаларда қатнашганлиги учун жазо берилажагини эълон қилди. Бу ходимларнинг баъзилари ишдан бўшатилди ва бошқа ходимларнинг иш ҳақи камайтирилди.

Префектура маъмурлари бундан икки ҳафта муқаддам давлат хизматчиларидан 3.880 кишига нисбатан худди шундай жазо чораларини кўрган эди.

(ТАСС, 11 август).

## ПЕРУ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

ЛИМА, 11 август. (ТАСС). Перу меҳнаткашлари умумий конфедерацияси барча тараққийпарвар ва демократик кучларга, аввало ишчилар синфига мурожаат қилиб, уларни империализмга ва олигархияга қарши курашда қўлга киритилган ғалабаларни ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларидан қатъий ҳимоя қилишга, меҳнаткаш халқнинг манфаатларини муҳофаза этишга ва миллий озодлик йўлида олға бориб, янги жамиятни вужудга келтиришга чақирди. Мамлакатдаги ана шу энг йирик касаба союз бирлашмасининг бу ерда тарқатилган баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: империалистик монополиялар ва аввало Америка монополиялари қуролли кучлар ҳукумати раҳбарлигида амалга оширилаётган социал-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тўсқинлик қилмоқ учун Перунинг оғир иқтисодий аҳволидан фойдаланишга уринмоқдалар. Перунинг ва Латин Америкасидаги бошқа давлатларнинг тарихий тажрибаси, деб қайд қилади Перу меҳнаткашлари умумий конфедерацияси, империализмнинг муайян сиёсий ва иқтисодий имтиёзларни қўлга киритиш мақсадида ҳар қандай усулларни қўлланаётганлигини исбот этади. Шу сабабли мамлакат суверенитетини ва унинг миллий мустақиллигини биргаликда ҳимоя қилиш учун чинакам революцион кучларнинг бирлиги ҳозирги шароитда жуда муҳим роль ўйнайди.

## ДЕМОКРАТИК КУЧЛАРНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

РИМ. (ТАСС). Маҳаллий матбуот Италия пойтахтида янги жунта—маҳаллий ижроия ҳокимияти органи тузилиш натижаларини демократик кучларнинг катта ютуғи деб ҳисобламоқда. Муниципал кенгашнинг душанба куни ўтказиладиган мажлисида Италия Коммунистик партияси, социалистик партия ва социал-демократик партия вакилларидан иборат жунта сайланди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш янги органида коммунистлар кўпчиликни (ўн икки киши) ташкил этади. Социалистик партия ва органда тўрт ўринга ва Италия социал-демократик партияси икки ўринга эгадир.

Италиянинг машҳур санъатшунос тарихчиси Жулио Карло Арган Римнинг янги мэри бўлиб қолди.

Италия Коммунистик партиясининг 20 июнда Италиянинг бир қанча шаҳарлари ва вилоятларида ўтказилган маъмурий сайловларда катта муваффақият қозонганлиги натижасида Римдаги демократик жунтани тузиш имконияти туғилди. Бу сайлов парламентга муддатидан илгари ўтказилган сайлов билан бир вақтда уюштирилди. Сайлов якунларига қараганда, Компартия шаҳар муниципал кенгашига бошқа ҳар қандай партияга нисбатан кўпроқ вакилларини ўтказишга муваффақ бўлган

Мозамбик Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Мапуту шаҳридаги марказий госпиталда бир группа совет шифокорлари ишлаб турибди. Улар маҳаллий аҳолига яқиндан медицина хизмати кўрсатмоқдалар. Суратда: совет мутахассиси К. Имомқулиев госпитал ходимлари билан суҳбатлашмоқда.

В. Егоров фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



## МАОЧИЛАР РЕАКЦИЯ БИЛАН ҚЎШИЛИБ КЕТМОҚДАЛАР

Мамлакат ичкарисида халқ манфаатларига зид ва социализмга қарши сиёсатни ўтказаётган Мао Цзэ-дун ва унинг группаси ташқи сиёсат соҳасида 180 градус бурилиб кетди, дейилади «Международная жизнь» журналининг 1976 йил 8 сонида эълон қилинган «Маоизмнинг аччиқ мевалари» сарлавҳали мақоласида. Улар пролетар интернационализми принципларидан юз ўгирдилар, социалистик ҳамдўстликка қарши ошкора кураш йўлига ўтиб олиб, шу мақсадда Советларга қарши жамики реакцион кучлар билан бирлашиб кетдилар.

Буюк давлатчилик — шовинистик муддаоларни кўзловчи маоизмнинг сиёсати ва идеологияси реакцион куч бўлиб, социалистик ҳамдўстликкагина эмас, шу билан бирга жаҳон коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатига, бутун дунё халқларининг тинчлиги ва хавфсизлиги ишида таҳдид қилмоқда. Маоизмнинг жаҳон социализм системасига нисбатан реакцион сиёсати унинг социалистик мамлакатлар қардошларча иттифоқини парчалаб ташлаш йўлидаги уринишларида намоён бўлмоқда.

Совет Иттифоқи жаҳон социализмининг жипслаштирувчи кучи эканлигини тушунган маочилар ўзининг асосий зарбларини Советлар мамлакатига беришга интилмоқдалар, деб таъкидлайди журнал. Хитойни «дунё ҳокими»га айлантиришга интилиш Хитой раҳбарлари сиёсатининг асосий мақсади бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам Пекин ўтказаётган ҳозирги сиёсат, аввало СССР билан АҚШни уруштириб қўйиб янги жаҳон уруши чиқаришга қаратилган. Ҳозир Хитой халқаро кескинликни юмшатишнинг энг актив душманига айланди, деса бўлади.

Журнал шуни қайд этадики, маочилар ўз сиёсатларини ўтказганда империалистик реакцияга, Ғарбнинг ҳарбий-саноат комплекслари билан, капиталистик мамлакатларнинг милитаристик ва реваншчи кучлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга умид боғламоқдалар.

Пекин раҳбарлари ХХРнинг ташқи савдосини ва иқтисодий алоқаларини капиталистик дунёга қаратдилар, 1973 йилда мамлакат бутун ташқи савдо оборотининг 63 проценти капиталистик мамлакатларга, атиги 13 проценти эса ҳамма социалистик мамлакатларга тўғри келди. Маочилар энг катта империалистик давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириб, шу тариқа ХХРнинг ҳарбий-иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Хитойдаги маочилар жаҳон урушининг жарчиси ролини ўйнаётган озгина давлатларнинг биридир.

ХХР вакиллари БМТда қарийб беш йил иштирок этиш давомида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган биронта амалий таклифни ўртага қўймадилар. Аксинча, улар кескинликни юмшатиш ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида бошқа мамлакатлар бошлаган ташаббусларга тўсқинлик қилишга харчанд уриндилар: ХХР қуролланиш пойгасига оид, айниқса, оммавий қирғин қуролини чеклашга доир биронта халқаро битимни имзоламаган бирдан-бир катта давлатдир. Маочилар «битимлар ва ҳуқуқ ҳавойи ҳужжатлардан бошқа нарса эмас, деган гапни айтиб, халқаро ҳуқуққа кибр-ҳаво билан андишасизларча қараб, сурбетлик қилмоқдалар. Улар давлатлараро муносабатларда куч ишлатмаслик принципи халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан эътироф этилишига қаршилик қилмоқдалар.

Улар қўшни давлатларнинг территориясини даъво қилиш билан бирга, территориал масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этиш принципини писанд қилмай, куч ишлатиш йўлига ўтмоқдалар. Маочиларнинг Ҳиндистон билан, Совет Иттифоқи билан чегаралардаги ҳарбий иғвогарликлари, Жанубий Хитой денгизидаги оролларни зўравонлик билан босиб олганлиги ва шу кабиларни бунга далил қилиб келтириш мумкин.

Эндиликда маоизм уруш хавфини билдирадиган бир нарсага, кескинликни юмшатишнинг хатарли душманига айланиб қолди. 1976 йил арафасида урушни ошкора мадҳ этган Мао Цзэ-дуннинг ўзи Хитойдаги милитаристик сиёсатнинг илҳомчиси бўлиб қолди. Шарти кетиб, партиси қолган «буюк дарға»га дунё: «тўпларнинг ўти самони ловиллатиб», «Ер юзи ўйдим-чуқурга айланиб... бутун дунё остин-устун бўлиб бораётгандек туюлади.

Социалистик ҳамдўстликка душманлик сиёсатини ўтказаётган ҳозирги Хитой жаҳон коммунистик ҳаракати билан умуман алоқани узиб, «учинчи дунё» мамлакатларига нисбатан тутруқсиз сиёсатбозлик қилаётганлигини, капиталистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга жон-жаҳди билан интилаётганлигини ҳисобга олсак, Хитой раҳбарларининг НАТОни қўллаб-қувватловчи ошкора гапларининг, Европа ва Осиёда Америка қўшинларини сақлаб қолиш тўғрисидаги талабларининг ҳақиқий аҳамиятини, Хельсинкидаги кенгаш якунларига ва халқаро кескинликка ашаддий салбий назар билан қараётганлигини ҳисобга олсак, муайян равишда шундай хулоса чиқариш мумкин: ҳозирги шароитда Мао Цзэ-дун ва унинг яқинлари сиёсати империализм резерви ва гумаштаси бўлиб қолди.

(ТАСС, 10 август).

## СПИНОЛА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ЛИССАБОН. (ТАСС). Бу ерда Португалия қуруқликдаги кучлари бош штабининг собиқ генерали А. ди Спинола Лиссабонга қайтиб келганлиги тўғрисидаги хабари эълон қилинди. Ди Спинола аэропортга келиши биланоқ жамоат хавфсизлиги полицияси агентларининг назоратида Кашиас турмасига юборилди. Спинола ҳарбий маъмурларнинг фармойишига мувофиқ шу турмада бўлади.

А. ди Спинола 1975 йил март ойида ўнгларнинг тўнтариш ясаш йўлидаги уринишлари барбод бўлганидан кейин Португалиядан қочиб кетган эди.

